

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*60111000 – География ва иқтисодий билим асослари бакалавриат таълим
йўналишининг малака талаблари*

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат педагогика университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 202 1 йил «24» 08 даги 4 - сонли йигилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 202 1 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруги билан тасдиқланган.

ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишилдир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>60111000-География ва иқтисодий билим асослари бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи</i>	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши</i>	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи</i>	4
1.2.1.	<i>60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари</i>	4
1.2.2.	<i>60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари</i>	5
1.2.3.	<i>60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари</i>	5
1.2.4.	<i>60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари</i>	5
2.	<i>60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига кўйиладиган талаблар</i>	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	11
	Келишув вараги	

1. 60111000-География ва иқтисодий билим асослари бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг месъерий муддати 4 йил.

1.1. Кўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби *60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши* бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўкув режа ва ўкув дастурларини ишлаб чиқиши ва янгилаш, улар асосида ўкув жарабонни самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларининг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талabalari;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўкишга кираётган аббитуриентлар, уларнинг отаоналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60111000-География ва иқтисодий билим асослари – “Педагогика” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, у умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари учун бакалавриат таълим йўналиши бўйича педагогик кадр жарабонида фойдаланиладиган фанлар, педагогик фаолият воситалари, усуллари, методлари;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва тармоқ илмий-тадқикот институтларида ҳамда мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш;

– Экология ва табиатни муҳофаза килиш, умумий ер билими, география ва иқтисодий билим асосларини ўқитиш методикаси, геология, топография ва картография асослари, тупроқлар географияси, табиий ва иқтисодий-ижтимоий география, иқтисодиёт, тадбиркорлик асослари, топонимика, географиядан масала ва машклар ечиш, ахоли ва иқтисодий география, молия, солик ва соликка тортиш, кредит муносабатлари, макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт, жаҳон иқтисодиёти ва ҳалқаро иқтисодий муносабатлар фанлар тизимида янгиликлар ва уларнинг иқтисодиётдаги тутган ўрни,

шунингдек, географик ва экологик конуниятларни ишлаб чиқаришдаги аҳамияти каби комплекс масалалар мажмусини камраб олади.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– География, иқтисодий билим асослари таълими жараёни, мазкур фанлар тизимини ўқитишни такомиллаштиришга имкон берадиган педагогик ва инновацион технологиялар, методлар, географик таълимнинг назарий масалалари, ўқитиш методикаси, маъруза, амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш жараёни;

– шахсий ва касбий маҳоратни шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни, таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни, таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этишини тушуниш ва идрок этиш, таълим жараёни меъёрий хужжатлари;

– табиий, иқтисодий-ижтимоий география, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, география таълими, иқтисодиёт соҳаларида муаммолар ва уларнинг ечимлари;

– География ва иқтисодий билим асослари ихтинослиги бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари масалаларини камраб олади.

60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврият битиравчилари профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аникланадиган ушбу йўналишдаги умумкасбий ва ихтинослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шугилланиш хукукига эга бўлади.

1.2.3. 60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- Педагогик фаолият;
- ташкилий-бошқарув фаолият;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- маънавий-маърифий фаолият;
- тадбиркорлик.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланадиган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жаёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аникланади.

1.2.4. 60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврларининг касбий вазифалари.

60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг б-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувоғиқ бакалаврият битиравчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришта қодир бўлиши лозим:

Педагогик фаолиятда:

- умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, касб-хунар таълим тизимида “Атрофимиздаги олам”, “Табиатшунослик”, «Табиий географиянинг бошлангич курси», «Материклар ва океанлар табиий географияси», «Ўрта Осиё ва Ўзбекистон табиий географияси», «Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий географияси», «Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси», «География (Амалий география)», “Иқтисодий билим асослари”, “Тадбиркорлик асослари” ҳамда “Табиий фанлар (Scince)” фанларидан ўрнатилган тартибда дарс бериш;

- умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларидан ташқари муассасаларда тарбиячи бўлиб ишлаш;

- таълим тизимида кабинет мудири, методист ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;
- табиий, ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишидаги илмий-тадқикот ташкилотларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш;
- ўрта, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълим тизимида маънавий-маърифий соҳаларда ишлаш;
- ишлаб чиқариш соҳасида компьютер технологиялари, қасбий таълим педагогикаси ва технологияси, ўқитишнинг дидактик воситалари, таълимнинг электрон воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;
- экология ва табиатни муҳофаза қилиш бўлимларида, гидрометеорология ташкилотларида;

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат ҳағфисизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш;
- таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўқув материалларини моделлаштириш;
- яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараённида гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг ўйгуниллигига эришиш;
- таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (максад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алокадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиш;
- таълим-тарбия жараёнини ташкил этишининг асосий ва ёрдамчи шаклларидан унумли фойдаланиш;
- ўқувчиларнинг бўш вактини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;
- таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетта мослигини таъминлаш.

Илмий-тадқикот фаолиятида:

- География, иқтисодиёт соҳаларининг илмий-тадқикот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқикот олиб бориш;
- География ва иқтисодиёт соҳаларига доир интернет тармогида энг янги илмий ютуклар ҳакидаги маълумотларни максадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, махаллий ва чет зл илмий-тадқикот ютукларини ўрганиш;
- илмий-тадқикот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- маълумотларни жамлаш, кайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;
- тадқикот натижалари ва ишланмаларини татбик этиш.

Маънавий-маърифий фаолиятида:

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол гоясини сингдириш;
- ўқувчиларда мағкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;

- глобаллашув шароитида кечеётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;
- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал сұхбат ўтказиш;
- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишида, умуминсоний қадриятлар, меҳрурват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш.

Тадбиркорлик фаолиятида:

- таълимда янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;
- бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чикиш ва амалга ошириш.

2. 60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврларининг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- дунёкараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушиниш, табиий ва илмий фанлар асосларини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустакил таҳлил қила олиш;
- табиат ва жамиятда кечеётган жараённи ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги ва экологик билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиш;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф-муҳитга муносабатини белгиловчи хукукий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни хисобга ола билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида кўллай билиши, ахборотларни йигиши, саклаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усусларини эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустакил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- география ва иқтисодий билим асослари - бакалавриат йўналиши бўйича ракоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги географик, геоэкологик ва иқтисодий билимларни мустакил эгаллай билиши, ўз устида ишланиши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соглом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўкув ва кўникмаларига эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўкув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни хисобга олиш, ўкув материалларини моделлаштириш;
- яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараённинг гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг ўйгунилигига эришиш;
- таълим-тарбия жараённи таркибий қисмлари (максад, натижা, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алокадорлиги ва умумийлигини хисобга олиш;
- таълим-тарбия жараённини ташкил этишининг асосий ва ёрдамчи шаклларидан унумли фойдаланиш, ўкувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;
- таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетта мослигини таъминлаш;

- ахолининг жаҳон мамлакатлари, Ўзбекистон Республикаси ва дунёнинг характерли айрим мамлакатлар мисолида, сони (динамикаси) ва тақорор барпо килиниш қонуниятлари, омиллари, концепциялари, ахолининг табиий ва миграцион харакатлари, меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш хусусиятлари, ахолининг худудий жойлашуви, ахоли манзилгоҳларининг шакллари ва ривожланишининг географик хусусиятлари, ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқлари худудий жойлашувига хос бўлган хусусиятлари тўғрисида билимлар бериш;

- географик топонимлар, географик номларининг маълум макон ва даврда ривожланиши, муайян тилларда яратилган лисоний, миллий, тарихий ва географик ёдгорликлар ҳакида билим бериш, географик номларининг илмий ва амалий аҳамияти ҳакида билим ва кўнималар бериш, топонимик тушунчаларни шакллантириш ва топонимларни муҳофаза қилишнинг асосий шаклларини ўргатиш, географияда масала ва машқ тушунчаларининг асосий моҳияти, билиш фаолиятини фаоллаштиришда масала ва машқларнинг аҳамияти, турлари, даражалари, жой плани ва географик карталар, Ернинг ҳаво қобиги, географик кузатувлар олиб бориш, география дарсларида статистик маълумотлардан фойдаланиш, аҳоли географияси ва демографияси, иқтисодий-ижтимоий географияни ўқтиша, факультатив машғулотларда масала ва машқлардан фойдаланиш усулларини ўргатиш ва улардан дарс давомида фойдалана олиши кўнималарига эга бўлиш;

- Иқтисодий билимларни ўрганиш услубиёти, иқтисодий жараёнларни, воқеа ва ҳодисаларни таҳдил қилиш усуллари ҳакида, фаннинг мазмун-моҳияти, максад ва вазифалари, иқтисодий таълимотлар ҳақидаги билимга; иқтисодий қонунларни, илмий тушунчалар (категориялар)ни, иқтисодий масалалар бўйича қабул қилинган қонунлар ва қарорларни ўрганиши, билиши, риоя қилиши ва ҳаётда қўллай олиш, иқтисодчи олимлар ҳаёти ва ижоди, уларнинг иқтисодий фикрлари ва гояларини таҳдил қилиш ҳамда уларнинг ҳозирги кундаги аҳамияти ҳакида талабаларда тегишли кўниммага; бозор иқтисодиётининг ривожланиши ва иқтисодий ислоҳотларининг хуқукий асосларини белгилаб берувчи конуилар ва бошка меъёрий ҳужжатларни ўрганиш, иқтисодий таълимотларнинг моҳиятини аниглаш ва тушунтириш, ҳозирги замон иқтисодий таълимотлари ва шу йўналишдаги олимлар гоялари мазмунини очиб бериш малакасига эга бўлиш;

- Мамлакатимиз иқтисодиётини эркинлаштириш ва иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш ҳамда иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида хўжалик юритувчи субъектларда тадбиркорлик фаолиятини тўғри ташкил этиш ва уни бошкариш, шунингдек бўлажак география ва иқтисодий билим асослари-педагог ўқитувчиларда тадбиркорликка оид билим ва кўнималарни ривожлантириш;

- Мамлакат молия тизими, молия тушунчаси, молиялаштириш манбалари ва усуллари ҳакида, молиянинг таркибий тузилиши, молиянинг турлари, молиявий дастаклар, давлат бюджети ва унинг таркибий тузилиши, турлари, даромад манбалари, ҳаражатлар таркиби, бюджет перефенциялари, давлатнинг фискалъ-бюджет сиёсати, солиқ тизими, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва роли, соликлар ва солиқса тортиш, сугурта иши, кредит муносабатлари, кредитларнинг турлари ва шакллари, кредитлаш манбалари сўғрисида билим, малака, молиявий саводхонликни ривожлантиришдан иборат. Чет эл таълим тизимида менежментни, замонавий таълим концепцияларини ўргатиш, бу метод ва жараёнларни амалиётда қўллай олиш, унинг тартибини таҳдил қилиш ва моделлаштириш асосларини билиш;

- Талабаларда иқтисодий субъектларнинг бозордаги ҳатти-ҳаракати ва ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилюна фойдаланиш ҳамда фирма фойдасини максималлаштирувчи ишлаб чиқариш ҳажмини ташлаш бўйича назарий ва амалий тушунчаларни ҳосил қилиш. Миллий иқтисодиётнинг макроиктисодий кўрсаткичлари, унинг ракобатбардошлигини таъминлаш йўллари, макроиктисодий барқарорлигини таъминлаш, иқтисодий тараққиёт ва иқтисодий ўсиш, макроиктисодий бекарорлик ва

унинг сабаблари ҳақида кўникмаларни ривожлантириш;

- Жаҳон хўжалиги тушунчаси, унинг вужудга кёлиш эволюцияси ҳақида, ҳозирги замон ривожланиш тенденциялари, ҳалқаро иқтисодий ташкилотлар, трансмиллий корпорациялар, уларнинг жаҳон иқтисодий тараққиётидаги ўрни, глобаллашув ва иқтисодий интеграция, хорижий инвестициялар, инвестицион ташкилотлар, ҳалқаро молиявий ташкилотлар, жаҳон бозори, ҳалқаро валюта тизими, ҳалқаро кредит муносабатлари ҳақида билим, кўникмаларни ривожлантириш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

ОҚС 01.040.01

Таяинч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўкув режа ва фан дастурлари, профиль, укиб-ўрганиш натижалари, ўкув даври менежмент, тармоклар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриатнинг ўкув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустакил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўкув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойихалаш, илмий тадқиқот жараёни.

КЕЛИШУВ ВАРАГИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:



Тошкет давлат педагогика университети

Ректор А.Ю.Умаров

2021 йил « ____ »

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш таъкидотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б. М.Эсанов

2021 йил « ____ »
М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълимни вазирлиги

Вазир Уринбосари

2021 йил « ____ »



Республика таълим маркази
директори

Директор Ш.Саттаров

2021 йил « ____ »
М.Ў.

